

освещение созданной проблемы, на ряду овладения обобщенными знаниями инновационных материалов, задействовать методы по реализации данной проблемы.

Главные условия для положительного использования всецело могут соответствовать данным построения навыков, которые являются легкодоступными, равными совокупности школьников; они в своё время могут вынуждать личную самооценку познаваемости; и конечно же задаются трудные вопросы, как бы ученик затруднялся выполнить, он опирается только на свои старания и умения с целью нахождения нужного ответа: ученик самостоятельно делает анализ, заключение, постановление. Система обучения в своей форме прошла несколько путей развития, но с каждым преодолением этих задач, она определяет высокое, адекватное, изученное умение решить проблемную задачу [2].

Задачей этой системы является овладение систематическим анализом, освоение нужных материалов, которые связаны между собой (освоение навыков системы); создание, прогрессирование, развитие, интеллектуальность, мотивация и формирование понятий школьников; индивидуальность самооценки и логические признаки понятий. Проектирование проблемного обучения можно осуществлять с помощью нижеследующей схемы.



Наличие формирования этой системы основывается на индивидуальности школьника, создании правильного систематического анализа; закрепление логических умений учащихся. Главное внимание в системном обучении обращается на степень усвоения ученика, а не на реализации ошибочных решений данных вопросов. Обучение, дающее положительный результат—это каче

ственная и высшая степень интерактивности, инновационной педагогической технологии педагогики. Этот способ относится трезвым способом выявления новых материалов и навыков учащихся. В проблемном вопросе содержится объяснение преподавателя, так и производительные действия учеников, как указание конкретных вопросов и действенное решение этих задач.

Следует отметить, что систематизация обучения основана на пункте проблемного вопроса, а постоянное требование к себе ученика является отличительным знаком конкретного метода образования. Здесь рассматривается конкретная и полная организация совокупности знаний, которая реализуется на полномасштабном опыте, умений конкретного многофункционального раскрытия сути данного материала [1].

Универсальное обучение тесно связано со всеми методами обучения, в котором взаимосвязаны между собой теорией и практикой освоения, целенаправленностью, отношений, адаптацией его как личности. По мере ознакомления с проблемным обучением, нами широко отмечены в употреблении такие понятия, как "проблемная задача", так и "учебная проблема". В нашем понимании проблема – это экспериментальная часть проблемного вопроса, которое необходимо изучить, по мере возможности разрешить, практически всегда создаёт пункт системности обучения конкретными данными (факты, аксиомы, аргументы) материала. Твёрдыми показателями этого обучения являются "явное" и "неявное". Принцип учебной проблемы выражается сущностью положительного результата навыков, появляющимся во время использования теории логической связи и степени усвоения ученика. В настоящее время уделяется большое внимание совершенствованию учебно-воспитательного процесса. В преподавании предмета химии необходимо развивать как теорию, так и экспериментальную, практическую часть обучения, которые способствуют не только системности образования, но и формированию практических умений, развитию самостоятельности учащихся.

В химической науке применяют различные методы экспериментирования. В школьной среде правомерно сочетание различных методов экспериментирования, которые можно объединить в метод работы соотносительно теории с практикой.

Литература

1. Дьюи Дж. Психология и педагогика мышления. Пер.с англ.
2. Матюшкин А.М. Актуальные вопросы проблемного обучения.

РЕЗЮМЕ

Маколада ўқувчининг кенг ва кўп қиррали ривожланиши, мактаб таълими соҳасидаги муаммолар, ўқитиладиган фанларнинг кўникмалари, идрок этиш уфқларини муаммоли кенгайтириш жараёнлари кўриб чиқилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются процессы обширного и разностороннего развития школьника, проблемы в сфере школьного образования, проблемное расширение кругозора восприятия навыков преподаваемых предметов.

SUMMARY

The article examines the problematic processes of broad and multifaceted development of school children, the problems in the field of school education, the problem extension of the world view of perception of skills of the subjects taught at the general educational schools..

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

А.Даукеева - катта ўқитувчи

Ажигинёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: компетенция, касбий компетенция, компетентлик стандарти формати, ўқитувчининг касбий билимдонлиги ва қобилияти мезонлари.

Ключевые слова: компетенция, профессиональная компетентность, стандартный формат компетенции, профессиональная компетентность и возможности учителя.

Key words: competence, professional competence, standard competency format, professional competence and abilities of the teacher.

Ҳозирги кунда “компетенция” атамаси турли соҳаларда қўлланилади: ҳуқуқшунослик, тилшунослик, маданият соҳаларида, шунингдек ташкилот, муассаса ёки компаниянинг муҳим компетенциялари. Лекин

бизни ходимларни бошқариш нуктаи назаридан “компетенция” атамаси қизиқтиради, шунинг учун ходимларнинг касбий компетенцияси ҳақида фикр юритамиз.

Америкалик психолог ва инсон мотивацияси тадқиқотчиси Девид Маклиланд ташкилот, муассаса ёки компанияга компетентли ёндашувнинг бошланишида шуни таъкидлайдики, “Инсон шахси ўрганилаётганда номзод ёки ходим ўзининг касбий фаолиятидаги муваффақиятлари ҳақида тўғри жавоб бермайди, чунки одам доимо ўзининг “мен”ига юқори баҳо беради, шунинг учун компетентли ёндашув ташкилот, муассаса ёки компания администрацияси томонидан қонун доирасида ишлаб чиқиши керак

Ходимлар билан ишлашда компетентли ёндашув ходимларни танлаш, баҳолаш, ўқитиш ва ривожлантиришга қаратилган. Бунда аниқ ходимнинг тегишли касбий компетенцияга эга эканлиги ва даражаси аниқланади.

“Касбий компетенция” атамаси шундай изоҳланади: “бу ходимнинг лавозим талабларига мувофиқ ишлаш қобилиятидир”: Касбий компетенциялар шахсий тавсифлар каби баён этилиши мумкин, масалан, “стрессга чидамли”, “команда ишига лаёқатлилиқ”, “креативлилиқ” компетенциялари, худди шундай эгаллаган малакалари каби кўрсатилиши ҳам мумкин, масалан: “музокара олиб бориш”, “бизнес-режа тузиш” компетенциялари.

Лавозим компетенцияси рўйхатини шакллантиришда қуйидаги иккита қоида ёдда тутиш лозим:

- феъл-атвори (бевосита кўриш мумкин бўлган);
- аниқ жиҳатлари (компетенция даражасини аниқлашдаги асос)

Касбий компетенция намуналаридан бир нечасини келтирамиз:

“Ишонтира олиш” компетенцияси. Аниқлаш: Бошқаларга таъсир кўрсатиб, уларни ўз қарор ва ҳаракатларига қўндириш.

“Ташаббускорлик” компетенцияси. Аниқлаш: ҳаракатни бошлаб бериш ва шахсий ижобий жиҳатлари билан воқеага самарали таъсир кўрсата олиш. Доимо изланишда бўлиш, янги вазифаларни, қўшимча ишларни ўз зиммасига олиш

Одатда ҳар бир лавозим учун 5-10 та асосий касбий компетенция белгиланади. Улар баён этилади. Бундай ҳолатларда раҳбар томонидан тест саволлари шакллантирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Берилаётган тест саволларининг ҳар бири маълум компетенцияга мослаштирилади. Тест ходимларнинг ушбу компетенцияларни қанчалик эгалланганликларини кўрсатади. Тест натижаларига кўра ходимларнинг компетенцияни эгаллаш даражалари аниқланади, масалан:

Компетентли ёндашув қуйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

- ходимларнинг эгаллаган лавозимига муносиблигини баҳолаш;
- ишга қабул қилишда янги лойиҳани амалга оширишда ходимларни танлаш, вакант лавозимга номзодни танлаш;
- ходимларни маълум вақтда аттестациядан ўтказиш, камчилик аниқланганда қўшимча ўқитиш.

Бундан ташқари, баҳолаш омили сифатида компетенция билан ишлаш, ишхонанинг ҳамма учун ягона тасдиқланган стандартлари асосида ходимларнинг реал савофномаларини ва малакаларини баҳолаш имконини беради. Ходимнинг иш тажрибасини баҳолаш, шунингдек оғзаки суҳбат ўтказиш кўпинча бир томонлама амалга оширилади ва ҳар доим тўғри бўлавермайди. Талаб этиладиган компетенцияларнинг мавжудлигига ўтказиладиган тест қуйидаги саволларга тўлиқ жавоб бера олиши лозим бўлади, масалан: “Ходим ташкилот, муассаса ёки компаниямиздаги вазифаларни биз талаб қиладиган даражада бажара оладими?” “Унда етарли тажриба,

зарурий тайёргарлик, алоҳида малака ва шу қабилар борми?”.

Умуман олганда **компетентли ёндашув** - бу ташкилот, муассаса ёки компаниянинг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун асосий омилдир. Иш жараёнини юқорида келтирилган тартибда ташкил этилса, биз жамият ривожланишига ўзимизнинг муносиб даражада ҳиссамизни қўшишимиз мумкин. Компетентлик стандартлари - ўқув режа компетентлигига асосланган таянч функциясидир, чунки улар ўқув талаблари, касбни аниқлаш ва ходимларни тўлдириш қабилар учун муҳим восита. Компетентлик стандартлари уч тилга ажратилган бўлиши мумкин, яъни, соҳа стандартлари (industry standards), тармоқ стандарты (cross-industry standards) ва корхона стандартлари (enterprise standards)

Соҳа стандартлари – иш ўринлари соҳасида талаб этадиган баъзи бир компетентликларга қаратилган.

Тармоқ стандартлари – умумий компетентликларни ажратди ва соҳа стандартларига умумлаштиради.

Корхона стандартлари – алоҳида компания даражасида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади ва одатда соҳа стандартларининг ўзига ҳослиги ҳисобланади, чунки фарқли жиҳатлар қўшилган ёки ўзгартирилган.

Бироқ индивидуал талаблар, миллий тузилмага ва саноат тармоқларидан билимларга эга бўлишга этибор қаратиш учун корхона даражасидаги стандартларни ишлаб чиқиш муҳим. Шунинг учун ҳам корхона стандартлари тасдиқланишидан олдин таълим муассасалари вакиллари будай стандартларни маъқуллайдилар. Менежерлар, саноат тренерлари ва экспертлар қизиқишига эга соҳа ташкилотлари учала турдаги стандартларни ривожлантиришади. Таълим бериш ва ўқитиш компетентлигига асосланган ўқув режасини яратиш мақсадида методни қўллашдан олдин компетентлик стандартлари тасдиқланиши лозим бўлган юридик, сиёсий, назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш зарур. Баъзи компонентлар масалан, вазифалар, иш ўринлари, мажбуриятлар функционал таҳлиллар орқали аниқлаштирилган ва компетентлик стандарти 7- чизмадагидек форматига ўтирилган бўлиши керак. Шу билан бирга, стандартлар учун даражалар турли билимларнинг мураккаблилиги ва жиддийлигига қараб аниқлаштирилиш лозим. Ва ниҳоят, баҳолашнинг мувофиқ жараёнлари соналган бўлиши лозим, зеро компетентлик стандартлари самараси кўпроқ унинг сифатли таҳлилига боғлиқ. 6-расмда ривожланаётган компетентлик стандартлар жараёни ифода этилган.

Компетентлик стандарти формати. Компетентлик стандарти формати алоҳида компетенциялар ва мезонларни ифода этувчи элементлардан иборат бўлади. Бундан ташқари, тизим ўқувчи учун ўзгарувчан исбот бўлиб хизмат қилади. Компетенция бирликлари компетентлик гуруҳлари элементи кетмакетликларидан ва боғланган мезонлардан иборатдир. Бирликларда меҳнат бозорида талаби мавжуд бўлагн моделлар ва соҳа ости ихтисосликлар компетентликларидан фойдаланилади. Шундай қилиб, миллий ихтисосликлар бутунича ечимини топмаган бўлсада, алоҳида бандлик бўйича компетентлигини ихтисослайди. Соҳа компетентлиги ва стандартларни ташкил этувчи энг кичик компетентликлардан бўлган компетентлик элементлари иш ўрни талабидан ва фойдаланаётган мезонлардан келиб чиққан ҳолда алоҳида билимлар изоҳини ифода этади. [Джессап, 1991, p.32]. Фойдаланиладиган мезонлар аниқ элементлардан самарали фойдаланиш мақсадида вазифа, функция ёки фаолиятлардан компетентли фойдаланиш учун даража ёки стандартни белгилайди. Компетентлик элементи учун фойдаланилган соҳасини ўрнатишда ўзгарувчан диапазонлар қўшилган. Улар аниқ ёки умумий шароит-

ларда фаолият хажмини ифодалайди.

Умумевропа намуналари асосида тузилган Давлат таълим стандартларида компетенцияга қуйидагича изоҳ берилган. Компетенция - коммуникация иштирокчиларининг ўзлари томонидан қўйилган аниқ сабаб ва мақсадларга қаратилган турли хил хатти-ҳаракатларни бажаришга имкон берадиган билим, кўникма ва шахсий фазилатлар йиғиндиси ифодалайди.

Кенг маънода компетенция масаланинг, шунингдек, муайян билим соҳасининг моҳиятини муваффақиятли ҳал этишда амалий тажрибага асосланиб, билим ва кўникмаларни қўллай олиш қобилиятидир.

Таълимда компетентлик билан ёндашув ўқувчиларни турли кўникмаларни эгаллаш, келажакда ижтимоий, касбий ва шахсий ҳаётларида самарали ҳаракат қилишга йўналтиради. Компетенциянинг турлари қуйидагича:

- компетенция - зарур (қўзланган) натижага эришиш учун амалга оширилаётган фаолият.

- амалий компетентлик - билим маҳсули бўлиб, амалиётда қўллай билиш қобилияти.

Шунингдек, компетенция, билимдан фаркли, амалий фаолиятсиз намоён бўлмайди ва уни баҳолай олиш мумкин эмас.

"Компетенция" тушунчаси (лотинча **"competere"** - мос келмоқ маъносини беради) қуйидаги моҳиятларни ифодалайди:

Компетенция сўзи кенг маънода - умумий ёки муайян кенг қамровли масалаларни ечишда мавжуд билим ва кўникмаларни амалий тажрибада қўллай олиш қобилиятини англатади.

Касбий компетентлик - касбий фаолиятга оид масалаларни ҳал этишда билим ва кўникмаларни амалий тажрибада самарали қўллай олиш қобилиятидир.

Компетенция - бу қўтилган натижага олиб келувчи фаолият белгисидир. У билим маҳсули бўлиб, мутахассис томонидан уни амалиётда қўллай олиш қобилиятидир. Компетенциянинг билимдан фарқи шундаки, ва-зифани амалий бажармасдан туриб, уни аниқлаб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайди. Малака компетентлигининг муҳим мезони бўлиб, у турли ҳолатларда, шу қатори муаммолар вазиятларда ҳам бир неча бор қўллаш натижасида намоён бўлади.

Ҳозирги пайтда олий ўқув юрти профессор-ўқитувчисидан талаб қилинадиган компетентлик қуйидаги турларга ажратилади:

- профессор-ўқитувчи томонидан ўз билимини мунтазам равишда бойитиб бориш, эгаллаган малакаларини тақомиллаштиришга тайёр бўлиш, замон янгиликларидан бохабар бўлиш;

- таълим жараёнида ахборот коммуникация, ин-формацион технологиялари ва ўқитиш воситаларининг барча турини қўллай олиш кўникма ва малакасига эга бўлиш;

- англандан ва мустақил фаолият (мустақил фикр, мақсад қўйиш, ўқув адабиёти ва қўшимча манбалардан тўғри фойдалана олиш);

- ташаббускорликда ўз ҳаракатлари учун жавобгар-ликни ҳис қила олиш;

- танқидий фикр юрита олиш ва дарс жараёнида юзага келган муаммолар вазиятларни ижобий ҳал эта олиш;

- ҳамкорлик, ўзаро бир-бирини тушуниш, эмпатия билдириш, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган педаго-гик мулоқотни ўрната олиш;

- чуқур касбий билимдонликка эга бўлиш.

Ҳозирги замон олий ўқув юрти профессор-ўқитувчисининг касбий билимдонлиги ва қобилияти мезонларига қуйидагилар қиради:

Ижтимоий билимдонлик - дарс мобайнида аудито

рия билан самарали ўзаро муомала шаклини ташкил эта олиш, ёшлар билан тил топиш ва соғлом маънавий муҳитни ҳосил қила олиш қобилияти.

Услубий билимдонлик - барча билимларини, кўр-ган-кечирганларни ёшларга тушунарли, раво тилда етказа олиши, таълим технологияси ва методларидан самарали фойдаланиши.

Ихтисослик билимдонлиги - ўз фани ва предмети соҳаси бўйича чуқур ва ҳар томонлама мукамал би-лимларга эга бўла олиши, ўз устида ишлаш қобилияти.

Бугунги талаба илмга, янгиликларга бўлган кучли қизиқиши, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари янгиликларидан боха-барлиги сабабли анчагина маълумотларга эга, унинг эҳтиёжлар тизимини, ўқитувчига бўлган талаб-таклифларини аниқ билиб тил топиша олган шахсина педагогик жараёнда катта ютуқларга эришади.

Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлмоғи лозим.

Билиш қобилияти - яни бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳаси-даги кашфиётларни ҳамиша кузатиб боради, материал-ни мукамал билади, унга ниҳоятда қизиқади, илмий тадқиқот ишларини ҳам бажаради.

Тушунтириш қобилияти - ўқув материални ўқувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиш, ўқувчи-ларда мустақил равишда тўғри фикрлашга қизиқиш уйғота билиш. Ўқитувчи зарур ҳолларда ўқув матери-алини ўзгартира олиши, кийин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб тала-баларга етказа олиши лозим.

Қобилиятли педагог ўқувчиларнинг билим ва камо-лот даражасини ҳисобга олади, уларни нимани били-шлари ва ҳали нимани билмасликларини, нимани унутиб қўйганликларини тасаввур этади.

Кузатувчанлик қобилияти - ўқувчи шахсини ва унинг вақтинчалик руҳий ҳолатларини тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанлик. Бундай ўқитувчи кичкинагина аломатлар, унча катта бўлмаган ташкил белгилар асосида ўқувчининг руҳият-ндаги кўз илғамас ўзгаришларни ҳам фахмлаб олади.

Нутқ қобилияти - нутқ ёрдамида, шунингдек имо-шора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва ра-вшан ифодалашдир. Ўқитувчининг нутқи дарсда ҳамиша талабаларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги матери-алини тушунтираётган, талабанинг жавобини таҳлил қилаётган ёки баҳолаётган бўлса ҳам, унинг нутқи ҳамиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган нарсаси қизиқаётганлиги билан ажралиб туради.

Ташкилотчилик қобилияти - биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантиришни, ик-кинчидан, ўз ишини уюштиришни назарда тутати.

Ўз ишини ташкил этиш деганда ишни тўғри режа-лаштира олиш ва уни назорат қила билиш назарда ту-тилади. Тажрибали ўқитувчиларда вақтни ўзига хос ҳис этиш - ишни вақтга қараб тўғри тақсимлай олиш, бел-гиланган муддатга улгуриш хусусияти ҳосил бўлади.

Обрў орттириш қобилияти - ўқувчиларга бе-восита эмоционал-иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда обрў қозона олишдир. Обрў фақат шу асосдаги-на эмас, балки ўқитувчиларнинг фанни яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлилиги ва ҳоказолар асосида ҳам қозонилади. Талабалар қўполлик қилмайдиган, кўркит-майдиган, ҳалол-покиза тўғри талаб қўя оладиган ўқитувчини жуда ҳурмат қиладилар.

Тўғри муомала қила олиш қобилияти - болаларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан жуда самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, пе-дагогик назокатнинг мавжудлиги.

Келажакни кўра билиш қобилияти - ўз харакатларининг оқибатини кўра билишда, ўқувчининг келгусида қандай одам бўлишини тасаввур қила олишда, тарбияланувчида қандай фазилатларни тараққий эттириш лозимлигини олдиндан айтиб бера олишда ифодаланади. Бу қобилият педагогик оптимизм, тарбиянинг қудрати, одамга ишонч билан боғлиқдир.

Диққатни тақсимлай олиш қобилияти - ўқитувчи учун диққатнинг барча хусусиятлари - ҳажми, кучи, кўчувчанлиги, идора қилина олиши, сафарбарлиги қобилиятнинг тараққий этган бўлиши муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда ўқитувчи юқорида кўрсатилган қобилиятлардан ташқари бир қанча ижобий сифатларга - аниқ мақсадни кўзлаш, қатъийлик, меҳнат-

севарлик, камтарлик каби фазилатларга ҳам эга бўлиши керак.

Профессор-ўқитувчи ўзининг эгаллаб турган лавозими даражасида касбий компетентликка эга эканлигини ҳис этгандагина педагогик жараёни муваффақиятли ташкил этиши мумкин, деган хулосага келдик. Зотан уни касбий билимдонлик, ҳалоллик, ростгуйлик, изланувчанлик, тинимсиз сермахсул меҳнат, ижодкорлик ва яратувчанлик каби фазилатлар юксалтиради. Унинг билимдонлиги, фаоллиги, меҳнатқашлиги, камтарлиги, маънавияти ва маданияти, маърифатлилиги талабалар, бўлажак касб эгаларининг ҳурмат-эҳтиромига сазовор этади.

Адабиётлар

1. Йўлдошев Ж.Т. "Кадрлар тайёрлаш тизимини молиялаштириш жараёнида тадбиркорлик маблағларининг ўрни". "Иқтисодийёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журналы. № 3, март, 2012 йил.
2. Вахабов А. и др. "Высшее образование в Центральной Азии: задачи модернизации" Тематическое исследование на примере Казахстана, Таджикистана, Кыргызской Республики и Узбекистана. Всемирный банк. 2005 год, с. 196.
3. Акрамова Ш. Олий таълим соҳасидаги глобал тенденциялар: Ўзбекистон учун имкониятлар. // "Biznes-Эксперт" 2014. № 12, 56-б.
4. Хакимова Е. «Высшее образование несёт потери». // «Мир новостей» №7 (1105) 2015.
5. Pathak R.P. Methodology of Educational Research. USA-2008 Atlantic.

РЕЗЮМЕ

Мақолада замонавий ўқитувчи шаклланишида қобилиятнинг аҳамияти ва имкониятлари муҳокама қилинади. Шунингдек, мақолада муаллиф педагогик компетенциянинг асосий таркибий қисмларини кўрсатиб ўтади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются значение и возможности компетентности в формировании современного педагога. В работе также изучаются основные структурные части педагогической компетентности.

SUMMARY

The article is devoted to the study of the significance and opportunities of competence in forming the modern teacher. The author of the article studies the main structural parts of pedagogical competence as well.

КАСАНАЧИ АЁЛЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МОТИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ

А.Елмуратова - психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Таянч сўзлар: шахс, фаолият, мотивация, ҳулқ, касаначилик, таъхис, таъриба, оила, респондент, методика.

Ключевые слова: человек, активность, мотивация, поведение, домашняя работа, диагностика, опыт, семья, респондент, методология.

Key words: person, activity, motivation, behavior, home-based business, diagnosis, experience, family, respondent, methodology.

Маълумки, шахснинг ўзи яшайдиган муҳит ва шароитдаги бажарадиган ижтимоий роли, ҳулқи, ўзини тутиши бирор сабабга кўра амалга ошади. Бу психологияда мотивациялар муаммоси билан изоҳланади. Шахс фаолиятини баҳолашда, фаолият характерини билишда мотивацияларнинг ўрни бекиёсдир.

Касаначилик фаолиятидаги мотивациялар хориж, Россия ва республикаимизда олиб борилган бир қанча тадқиқотларда асосий психологик хусусият сифатида ўрганилган.

Тузилиш жиҳатидан мотивациялар икки хил фарқланади: "хоҳиш-истакли" ва "ҳақиқий". Ҳар бир инсон ҳаёти давомида турли вазиятларга тушади. Уларнинг ҳулқида турли хил мотивациялар намоён бўлади. Кўпгина мотивациялар меҳнат мобайнида шаклланади. Одатда одамларда меҳнат қилиш истаги фойда олиш ёки фойда тушиши учун хизмат қилади, яъни шу орқали оиласига ёрдам беради. Касаначилик билан шуғулланиш инсондаги мотивациялар ва установақларга таъсир кўрсатишини аниқлаш мақсадида касаначилик билан шуғулланадиган аёлларнинг мотивацияларини ўрганишни мақсад қилдик. Бунинг учун жаҳон психологияи илмида тан олинган ва кенг қўлланилиб келинаётган икки хил мотивацияни шахсда намоён бўлишини кўрсатиб берадиган психологик тестлардан фойдаландик.

Қорақалпоқ ва ўзбек аёлларида касаначилик билан шуғулланишларида ўзига хос психологик хусусиятлари сифатида мотивацияларни аниқлашда О.Э.Хайитов томонидан 2005 йилда қўлланилган Т.Элерснинг (Д.Райгородский томонидан модификация қилинган) "Муваффақиятга эришиш мотивациясини таъхис қилиш" ва "Мағлубиятдан қочиш мотивациясини таъхис қилиш" методикалари (В.Каримова ҳамкорлигида ўзбек тилига ўйрилган) вариантдан фойдаландик.

Касаначилик билан шуғулланишнинг асосий мотивацияларини белгилаб берувчи икки турдаги мотивация: муваффақиятга эришиш ва мағлубиятдан қочиш мотивацияларини кўриб чиқишни, мотивацияларнинг иерархиясини, муддат ва вақт ўтиши билан динамикаси ҳамда ҳолатини намоён бўлиш хусусиятларини махсус ўргандик. Олинган натижаларнинг математик қиймати фоиз ва миқдор кўрсаткичларида ҳисоблаб чиқилди. Қуйида биз тадқиқот натижаларининг таҳлили устида тўхталиб ўтамыз.

1 - жадвал

Касаначи аёлларда ютуқга эришиш мотивациянинг намоён бўлиши даражалари (миқдор ва фоиз ҳисобида) n=201

№	Ора- лиқ бал- лар	Мотива- цияга нисбатан даражалар	ГУРУҲЛАР			
			ОК	ЁК	ГК	ТК
1	1-10	Паст	3	8	1	-
			4,9 %	14,5 %	1,9 %	
2	11-16	Ўрта	18	27	23	10
			29,5 %	49,9 %	44,2 %	29,4 %
3	17-20	Юқори	31	16	20	18
			50,8 %	29,0 %	38,4 %	52,9 %
4	21-30	Ўта юқори	9	3	8	6
			14,7 %	5,5 %	15,3 %	17,6 %

Бизнинг касаначилик билан шуғулланаётган аёллар фаолиятидаги муваффақиятга эришиш мотивациясини аниқлашда аёлларни умумий тарзда, яъни ҳудудга нисбатан бўлмаган равишда тадқиқ этдик. Натижалар 1 - жадвалда келтирилган.

Кўриб турганимиздек, жадвалда акс эттирилган маълумотлар ТК гуруҳида муваффақиятга эришиш ўта юқори даражада 17,6% ва ОК – оилавий касаначиларда 14,7% эканлигини кўрсатади. Муваффақиятга эришиш мотивацияси устувор бўлган респондентлар, олдиндан ишонч билан иш бошлайдилар. Нима қилиб бўлса ҳам ютуққа эришиш улар учун олий мақсад бўлади. Улар ҳали ишни бошламай туриб ютуқни кутадилар ва шундай ишни амалга оширса, бошқалар уларнинг ҳаракатларини маъқуллашларини биладилар. Бу йўлда улар нафақат ўз кучи ва имкониятларини, балки ташқи имкониятлардан бўлган танишлар, маблағ каби омиллардан ҳам фойдаланадилар.

Муваффақиятга эришиш мотивациясидаги бу ўта юқори даража бизнинг респондентларимизда намоён бўлиш кўрсаткичлари уларнинг ўзига нисбатан талабчанлигини, интилувчанлигини, ташаббускорлиги, маъсулиятлилиги, олдиндан рўй бериши мумкин бўлган ҳолатларни башорат қила олиш, таърибаси орқали хато қилишга дуч келмаслик, оиласи олдида бажараётган фаолияти натижасини яхши